

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРАЗБАЕВ НЕЪМАТ КАМИЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ
(XX-XXI АСР БОШЛАРИ)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of abstract of the doctor of philosophi (PhD) dissertation

Ўразбаев Неъмат Камилович

Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиш
босқичлари (XX-XXI аср бошлари).....3

Уразбаев Неъмат Камилович

Формирование системы пожарной безопасности в Узбекистане и этапы ее
развития (XX-началоXXI века).....25

UrazbaevNematKamilovich

The development steps and formation of the Fire security system in Uzbekistan
(the beginning of the XX-XXI centuries).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРАЗБАЕВ НЕЪМАТ КАМИЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ
(XX-XXI АСР БОШЛАРИ)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020 йил

Тарих фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3. PhD /Tar164 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ражабов Қахрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Ҳасанов Бахтиёр Вахабович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Ахборот Технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21; (99871)246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

А.А.Маврулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Н.У.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳар бир давлатга ўз ҳудудларида ва умуман жаҳон миқёсида табиий бойликлар ҳамда табиатни асраш ва авайлаш, шунингдек, давлат ва шахсий мулкнинг дахлсизлигини кафолатлаш борасида хавфсизлик чораларига риоя этиш, инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун турли кўринишдаги ёнғинларнинг олдини олиш масаласидаги қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўплаб вазифаларни кўймоқда. Бу борада олиб борилаётган чоратадбирларнинг самарасини таъминлаш ҳар бир давлатнинг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёдаги ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ ва Европа давлатларидаги кўплаб илмий тадқиқот марказларида ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш масаласи доимий равишда ўрганиб келинмоқда. Бу жараёнда ёнғин хавфсизлиги тизимининг ривожланиши тарихи, тизимни бошқаришда раҳбар компетентлигининг ёнғин-қутқаруви хизматидаги ўрни, ёнғин-қутқаруви хизматининг ривожланишида техника хизматининг такомиллаштирилиши ва ижтимоий лойиҳалаштирилиши, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларини зиддиятли ҳолатларга қарши психологик тайёрлаш каби йўналишларда олиб борилган тадқиқотларда эришилган натижалар бу масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатни модернизациялаш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат бўлган вазифаларни белгиланиши баробарида “фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш, хавфсизлик йўналишидаги тизимларнинг фаолият самарадорлигини ошириб бориш”¹ ишлари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ўзгаришларга имкон яратди. Бу борада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга доир самарали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва техник асосланган воситаларни кенг жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу тизимда олиб борилаётган ўзгаришлар жараёнида унинг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг узвийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги ПҚ-2992-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги ВМҚ-272-сон “Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги ВМҚ-700-сонли “Республиканинг туманлари, шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда Ўзбекистон Республикаси

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasида келтирилган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” (<http://lex.uz/docs/3107036>)

Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқ этилаётган мавзуга тегишли адабиётларнинг даврий хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: биринчиси, совет давлати ҳуқуқронлиги йилларида яратилган адабиётлар; иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин амалга оширилган тадқиқотлар; учинчиси, хорижий муаллифлар томонидан яратилган асарлар.

Биринчи гуруҳга киритилган совет даврида ёзилган адабиётлар ва мақолаларда², социалистик мулкчиликни сақлашда ёнғин хавфсизлигининг ўрни³, “социалистик жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши натижасида ёнғин хавфсизлигини кучайтиришга бўлган эҳтиёж⁴ каби масалалар таҳлил этилган бўлиб, уларда тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан қатор фактик маълумотлар келтирилгани билан аҳамиятга молик.

Мустақиллик йиллари нашр этилган адабиётлар ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йилларда мавзуга оид масалалар билан тарихчи, иқтисодчи, ҳуқуқшунос ва социологлар шуғулланган бўлиб, улар томонидан қатор адабиётлар яратилган⁵ ва диссертацион тадқиқотлар⁶ амалга оширилган.

²Касымов Б. Охрана социалистической собственности от пожаров.– Ташкент: Мехнат, 1987; шу муаллиф. Организационные и правовые основы пожарной безопасности. – Ташкент: Мехнат, 1990; Обухов Ф. Советская пожарная охрана. – Москва, 1979; Беглов М. Халқ мулкни хушёрлик билан кўриқлайлик. // Постда. 1958 йил, 18 апрель; шу муаллиф. Бдительно охранять народное достояние // Постда. 1959 йил, 29 май.

³Брагинский М. Участие советского государства гражданских правоотношениях. – Москва, 1981; Донцов С. Гражданско-правовые способы защиты социалистической собственности.. – Москва, 1980; Егоров Н. Право собственности в системе советского права // Правоведение, 1978. – №3; Корнеев С. Право государственной социалистической собственности в свете Конституции СССР // Советская юстиция, 1980. – №9 ва б.

⁴Касымов Б. Охрана социалистической собственности от пожаров. – Ташкент: Мехнат, 1987. – С.12-13.

⁵Халқ хизматида 75 йил. Масъул муҳаррир Ғ.Раҳимов. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст). –Тошкент: Akademiya, 2007; Демократическое развитие: безопасность, права человека, сотрудничество во имя будущего // Материалы международного «Круглого стола». – Ташкент, 2007; Саидов С., Шарипов Х., ва б. Бухоро ёнғин хавфсизлиги: ўтмиш ва бугун. – Бухоро: Бухоро шаҳри нашриёти, 2007; Ёрметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917–1924 йилларда). – Тошкент: Абу Матбуот Консалт, 2007; Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Тошкент: Akademiya, 2010; Зиямов Н. Некоторые аспекты решения проблем укрепления безопасности и стабильности Узбекистана в условиях независимости. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2011; 25 йил: Шараф, маҳорат ва мардлик мактаби. Н.Нарматов таҳрири остида. –Тошкент: FFHMIY, 2018 ва б.

⁶Хусанова С. Ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2005; Ёрметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тотолитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1917–1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2006; Абдусамедов Н. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2007; Зиёдуллаев М. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш

Бу ишларда Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги масалаларининг у ёки бу жиҳатлари ўрганилган бўлиб, айнан ёнғин хавфсизлиги хизмати масалаларига яхлит комплекс тизим сифатида ёндашилмаган. Ушбу адабиётларда ёнғин хавфсизлиги тарихи турли ҳудудлар мисолида, хусусан, Бухорода ёнғин хавфсизлиги хизмати тарихи, Туркистон АССРда ёнғин хавфсизлиги хизматининг тузилиши ва манзиллар идорасини ташкил этилиши масалалари тадқиқ этилган.

Мустақиллик йиллари республика иқтисодиётида ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши жараёнида ёнғин хавфсизлигини олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш борасида бир қатор мақолалар нашр этилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ⁷.

Мавзуга оид учинчи гуруҳга кирувчи хорижий тадқиқотларда, хусусан, АҚШ⁸, Европа давлатлари⁹ ва Россия Федерациясида¹⁰ олиб борилган

фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлари номзоди диссертацияси. –Тошкент, 2009; Усмонов М. Хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш бўйича давлат функциясининг назарий ва ҳуқуқий асослари. Юридик фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2010; Жўраев Ш. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2012 ва б.

⁷Мирсаидов О. Актуальные проблемы обеспечения пожарной безопасности объектов хранения и транспорта газа // *Yong'in xavfsizligi*. 1(77). 2012. – С. 18-19; Бозоров А., Маллаев Х. Неосторожное обращение с огнем // *Yong'in xavfsizligi*. 3(91). 2013; Султонов С., Кулмуродов У. Олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишда педагоглар ўрни // *Yong'in xavfsizligi*. 6(94). 2013. –Б.31-32; Валиев Д. Хизмат тизимини такомиллаштириш йўлида // *Yong'in xavfsizligi*. 8(96). 2013. – Б.2-4; Шарипов Х. Противопожарная техника и повышении оперативно-тактической деятельности службы пожарной безопасности // *Yong'in xavfsizligi*. 10(98). 2013. – С. 38-39; Ахмедов А., Ўразбаев Н. Давлат ёнғин назоратининг мақсади ва вазифалари // *Yong'in xavfsizligi*. 2(102). 2014. – Б.34-35; Валиев Д. Мухим масалалар кўрилди // *Yong'in xavfsizligi*. 3(103). 2014. –Б. 2-3; Ибрагимов Р. Аждодлар ишининг давоми // *Yong'in xavfsizligi*. 5(105). 2014. – Б. 4-5; Жўраев Э. Фуқароларга ҳуқуқий сабоқ // *Yong'in xavfsizligi*. 7(107). 2014. – Б. 10-11; Султонов С. Эҳтиётсизлик ёнғинга олиб келади // *Yong'in xavfsizligi*. 3(115). 2015. – Б. 13-14; Аманов А. Ёнғин-профилактика кўриклари иқтисодий самара беради // *Yong'in xavfsizligi*. 19(133). 2016. – Б. 2-7 ва б.

⁸John Salka. *First In, Last Out: Leadership Lessons from the New York Fire Department*. New York: Portfolio Reprint edition, 2005; Bruce Hensler. *Crucible of Fire: Nineteenth-Century Urban Fires and the Making of the Modern Fire Service*. Lincoln: University of Nebraska Press, 2011; Dominic Colletti, Larry Davis. *The Rural Firefighting Handbook*. Washington: Lyon's Publishing; 2nd edition, 2012 ва б.

⁹CajotLouis-Guy,Schleich, Jean-Baptiste,Pierre, M. *Natural fire safety concept*.Saint-Aubin, 2002;Štefan Galla Boris Toman. *Advances in Fire, Safety and Security Research 2014 - Scientific Book*.Fire Research Institute of Ministry of Interior of the Slovak Republic (Bratislava), 2014; Domingo M., Molina-Terrén, Gavriil Xanthopoulos, Michalis Diakakis, Luis Ribeiro. *Analysis of forest fire fatalities in Southern Europe: Spain, Portugal, Greece and Sardinia (Italy)*. *International Journal of Wildland Fire* 28(2), 2019 ва б.

¹⁰Черных В. Исторический опыт становления и эволюции пожарного дела в Восточной Сибири в 1814–1991 гг. На материалах Республики Бурятия, Иркутской и Читинской областей. Автореф. дисс. ... докт.ист. наук. – Иркутск, 2000; Стахов А. Организационно-правовые основы обеспечения пожарной безопасности в России. Автореф. дисс. ... докт.ист. наук. – Москва, 2001; Панков Ю. Профессиональная управленческая компетентность как фактор оптимизации деятельности руководителя государственной противопожарной службы: социологический анализ. Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. – Москва, 2003; Кольцов А. Становление и развитие пожарного дела в Курской губернии в XIX- начале XX века. Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. – Курск, 2005; Гуцнев В. Правовое регулирование обеспечения пожарной безопасности в Российской Федерации. Автореф. дисс. ... канд.юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2009; Иншаков Ю. Исследование, анализ и управление процессами пожарной безопасности и рисками экологических последствий воздействия пожаров на окружающую среду. Автореф. дисс. ... канд. техн.наук.– Москва, 2007. Шавырина Т. Модели принятия решений при формировании резерва руководящих кадров пожарной охраны. Автореф. дисс. ... канд. техн. наук. – Москва, 2007; Сенчук О. Организация и эволюция противопожарной службы на территории Центрально-черноземного региона в 1917–1941 гг. Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. – Курск, 2011; Роганова Т. Первоначальный этап расследования преступлений, связанных с уничтожением

тадқиқотларда дунё миқёсида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар муҳим масала эканлиги, ҳар йили ер юзида олти миллионга яқин ёнғин рўй бериши, ҳар йили ёнғинларда ўрта ҳисобда 50 мингга яқин киши ҳалок бўлиши ва олти миллиондан ортиқ одам эса турли даражада жароҳатлар олаётгани сабабли бу борадаги ишларни такомиллаштириш, инсон хавфсизлиги, ёнғин-қутқаруви хизмати органларининг фаолиятини кучайтириш зарурлиги каби масалалар ёритилган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, танланган мавзу доирасидаги адабиётлар ва илмий тадқиқотларда Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимининг ташкил этилиши ва фаолияти деярли ўрганилмаган. Шу жиҳатдан тадқиқот ишининг олдига қўйилган алоҳида масалаларини яхлит тушуниш ва муаммоларни аниқлаб таҳлил этишда комплекс ёндашув мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режаларидан ўрин олган ОТ-Ф1-109 “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимининг яратилиши тарихини, умумдавлат ва маҳаллий ҳокимият кесимида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантиришда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш;

XX асрнинг иккинчи ярмида халқ хўжалиги фаолиятида ёнғин хавфсизлиги тизими иштирокининг кучайиши ва Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги органлари томонидан амалга оширилган ишларнинг статистик-қиёсий таҳлилини амалга ошириш;

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги масаласининг ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган қонун ва қарорларининг конструктив татбиқи ва аҳамиятини кўрсатиш;

ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш учун ўрганилган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда илмий, амалий таклиф ва хулосалар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимининг XX–XXI аср бошларидаги ривожланиши, унинг босқичлари, ёнғин

хавфсизлик тизимининг илмий-техникавий таъминоти, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимиташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик, объективлик, тизимли таҳлил, анализ ва синтез, оғзаки тарих (oral history) каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий тараққиёт давомида ёнғинлар маҳаллий аҳоли ёрдамида бартараф этилган бўлишига қарамай, минтақада ёнғин хавфсизлиги соҳаси дастлаб кўнгилчилардан иборат ўт ўчирувчилар жамоаси (“Эркин ўт ўчирувчилар жамияти”) сифатида пайдо бўлган ҳаракат бўлиб, кейинчалик мазкур фаолият натижасида XX аср бошида расмий мақомга эга тузилмага айланганлиги исботланган;

собиқ совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг пахтачиликка ихтисослашуви натижасида ёнғинлар сони кўпайиб бориши, ёнғинларни авж олишига ўт ўчирувчи ходимларнинг кўпинча сув ва техника воситаларини яхши билмаслиги, ёнғинни кеч пайқаб қолишлик, ўт ўчиришнинг ёмон ташкил этилганлиги, қисмларнинг уюшқоқлик билан ишламаганликлари сабаб бўлганлиги далилланган;

собиқ совет даврида соҳада кадрлар масаласи доимий муаммолардан бўлиб, мутахассислар етишмаслиги, ўқув курсларининг мавжуд эмаслиги, саноатнинг кучайиши баробарида ёнғин хавфининг ортиб бориши билан тизимда моддий-техник базанинг талаб даражасида бўлмаслиги (соҳада мавжуд бўлган моддий эҳтиёжларга давлат томонидан етарли маблағ ажратилмаганлиги) тузилманинг орқада қолиб кетишига сабаб бўлганлиги асосланган;

мустақиллик йилларида мамлакатни бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида ривожлантириш ишлари ёнғин хавфсизлиги тизимининг мамлакат халқ хўжалигини барча тармоқларида ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги фаолиятини такомиллашиб боришига, кадрлар тайёрлашда ёнғин назорати ва профилактика ишларини ташкил қилиш, профессионал тайёргарлик, саноат ва ёнғин хавфсизлиги фаолиятини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда берилган хулоса ва тавсиялар Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, муаммоларини ҳал этишда, ёнғин хавфсизлиги тузилмаларини такомиллаштириш жараёнлари илмий асосда таҳлил қилинган.

Ишда илгари сурилган илмий ғоялар, келтирилган материаллар ва хулосалардан мустақиллик даври тарихига оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда, ёнғин хавфсизлиги тизимида бўлган ўзгаришларни ёритишда, ёнғин хавфсизлиги тизимида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирларини амалга оширишда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари, адабиётлар ва эсдаликлардан фойдаланилгани, уларнинг аксариятида бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва

тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти совет даври ва мустақиллик йилларида Ўзбекистон ёнғин хавфсизлиги хизматининг фаолиятини тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик усуллар асосида, объективлик тамойилига таяниб тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилгани боис улардан мазкур муаммога оид назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги музейи экспозицияларини тарихий фактлар билан бойитиш, шунингдек, ички ишлар органлари тарихи бўйича Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг талабалари учун дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари яратишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги хизматининг шаклланиш тарихи, таркибий тузилиши ва вазифалари, мустақиллик йиллари ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида амалга оширилган ислохотлар, кадрлар тайёрлаш ва унинг натижалари, ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғинларни олдини олиш борасидаги ташвиқот-тарғибот ишлари, унинг натижаларига оид маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар органлари тарихи музейининг “Ёнғин хавфсизлиги хизмати” ва “Ёнғин хавфсизлиги институти”га бағишланган экспозицияларни шакллантиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 2/1464 сонли маълумотномаси). Қўлланилган натижалар мазкур даврни фактик материаллар, манбалар ва маълумотлар билан тўлдиришга, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг фаолиятини илмий асосда ёритишга хизмат қилган;

мустақиллик йилларида мамлакатни бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида ривожлантириш ишлари ёнғин хавфсизлиги тизимининг мамлакат халқ хўжалигинидаги барча тармоқларда ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги фаолиятини ёритиш масалаларига оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида “Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тарихи”дан илмий ишлар тўпламини нашр этишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги № 89-03-210 маълумотномаси). Қўлланилган натижалар Ёнғин хавфсизлиги Академиясида “Ўзбекистон тарихи” фанидан XX-XXI аср бошларига оид соҳага тегишли манбаларни тадқиқ этишда, архив ҳужжатлари ва экспонатларини шакллантиришда, соҳага оид ўқув-услубий қўлланма, дарслик, монографиялар ва бошқа турдаги ўқув материалларини тайёрлашга хизмат қилган;

ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш ва унга қарши курашишга доир тадқиқотлар таҳлили бўйича илмий хулосалар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телеканалининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзусидаги “Машварат” кўрсатувининг сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси

“Mahalla” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 3 декабрь 02-02-493-сон маълумотномаси). Кўрсатувда мустақиллик йилларида ёнғин хавфсизлиги тизимининг янгидан шаклланиши, аҳоли ҳаёти ва соғлиги, давлат, жисмоний ва юридик шахслар мулкани ишончли сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, инсонлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган ёнғинларнинг олдини олиш борасида ёнғин хавфсизлиги хизматининг ўрни ҳақидаги маълумотлар етказилиб, бугунги обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шукроналик туйғусининг мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосаларига таяниб, тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган нашрларда 5 та мақола, шу жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда, 2 таси халқаро ва республика конференция ҳамда илмий тўпламларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ўрганилиш даражаси тавсифланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудудларида ёнғин хавфсизлиги тизимининг яратилиши ва унинг ўлка хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилиши (1900–1945 йиллар)” деб номланган биринчи бобда Россия империяси ҳукмронлиги даврида ўлкада ёнғин хавфсизлиги тизимининг шаклланиши ва ўзига хослиги, Ўзбекистонда 1917–1945 йилларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари таҳлил этилган.

Инсоният тараққиётида оловнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши қадимий даврларга бориб тақалса-да, ундан фойдаланиш ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган бўлса ҳам, унинг салбий таъсири бугунги кунда ҳам инсонлар учун ёмон оқибатларга сабаб бўлмоқда. Минг йиллар давомида оловни ўчириш учун тегишли мосламалар ва махсус гуруҳлар бўлмаганлиги сабабли ёнғинни ўчиришда оддий меҳнат қуролиларидан фойдаланилган. Тарихий маълумотларда келтирилишича, Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўт ўчириш ташкилий тузилмаларига асос солиниб, махсус ўт ўчирувчи ўнликлар ташкил этилган. Улар керакли барча анжомлар билан таъминлангани ҳолда, маош ҳам олишган.

Ўрта Осиёда давлатчиликнинг тараққий этиши натижасида шаҳарларда ёнғин хавфсизлигига мос, ўтга чидамли қурилиш материалларидан, юқори

сифатли пишиқ ғишт, ганч қоришмаларидан фойдаланган ҳолда объектлар қурилиши бошланган. Йирик Хива, Бухоро, Самарқанд, Термиз каби шаҳарларда қурилган бинолар олдида доимий сув сақланадиган ҳовузлар барпо қилинган. Масалан, Бухорода 103 та ҳовуз мавжуд бўлиб, улардан энг йириги 1620 йилда бунёд этилган “Лабиҳовуз” бўлган¹¹. Қўқон хонлигида ҳам ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғинларга қарши курашишда бозорлар ичидаги ҳовузлардан фойдаланилган¹².

Ўрта Осиё Россия Империяси томонидан босиб олингандан сўнг ўлкада тез алангаланувчи маҳсулотлар: спирт, нефть, пахта, кўмир, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Табиийки, ўлкада пахтачиликка эътиборнинг кучайтирилиши ёнғин хавфсизлиги хизматини ривожлантиришни тақозо этди¹³. Бу даврда ёнғинни бартараф этиш усуллари ўзига хос бўлиб, ҳар бир маҳаллада тунги навбатчилик ташкил этилиб, навбатчилар ёнғин содир бўлганда маҳалла аҳлини офатни бартараф этишга жалб этган. Бу даврда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ёнғин хавфсизлиги масалаларига қаратилган битта ҳам меъёрий ҳужжат қабул қилинмади, бу ишлар подшо маъмурияти томонидан юборилган меъёрий ҳужжатлар асосида бошқарилди¹⁴. 1868–1893 йилларда Тошкент ва Самарқандда содир бўлган ёнғинлар оқибатида қўрилган талофатлардан сўнг империя маъмурлари ёнғин муҳофазаси масаласи бўйича тегишли чоралар кўришга мажбур бўлди ва Туркистон генерал-губернатори ўт ўчириш командаларини тузишга рухсат берди. Натижада 1902 йилда Тошкент, кейинчалик бошқа шаҳарларда ҳам маҳаллий полиция аппаратлари таркибидан ўт ўчириш командалари ташкил этилди¹⁵. 1914 йил 11 июнда Тошкент шаҳар Думаси шаҳар ўт ўчириш жамоатчилик командасини тузиб, унга кўра, команда 14 кишидан иборат таркибда шакллантирилди. Ўт ўчириш араваси учун 10 та от ҳам ажратилди. 1914 йил 14 октябрда ҳарбий вазирлик томонидан ўт ўчириш жамоатчилик командасининг ёнғинларни олдини олиш ва батараф этишдаги хизмат вазифалари тасдиқланди¹⁶.

Ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг, 1918 йилнинг 17 апрелида Туркистон ХКСнинг “Ёнғинга қарши кураш чораларини ташкил этиш тўғрисида”ги Декрети қабул қилинди¹⁷. Декрет асосида Туркистонда 1918 йилнинг декабрь ойида ёнғиндан сақлаш суғурта бўлими ва коллегия ташкил этилди. Мазкур бўлим Туркистон Маҳаллий коммунал хўжалик бошқармасига бўйсундирилиб, уларга давлат аҳамиятига молик объектларни ёнғиндан сақлаш вазифаси юклатилди. Шу ўринда қайд этиш керакки, шу даврдан бошлаб ёнғинларга қарши кураш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор

¹¹Тўхтаев С. Қадим бухородаги ўт ўчириш манбалари – ҳовузлар, илк ўт ўчирувчи-мешкоблар. Шаҳар тарихидан айрим саҳифалар // *Yong'in xavfsizligi*. 10(98). 2013. – Б. 33.

¹² Исаков Д. Кўҳна шаҳар тараққиёти йўлида. Ёнғин хавфсизлиги – пожарная безопасность. Ихтисослаштирилган амалий илмий – техникавий журнал. – Тошкент, 9 (85) 2012. – Б. 39-40.

¹³ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Архиви. Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ички ишлар хизматчиларининг халқ осойишталигини кўриқлаш йўлидаги хизматга оид ҳужжатлари.

¹⁴Музаффаров У., Реимбоев Р., Раҳматов Л., Бахронов Д., Досчанов М. 25 йил: шараф, маҳорат ва мардлик мактаби. –Тошкент: Фафур Ғулом, 2018. – Б. 32.

¹⁵ Саидов С.С., Шарипов Ҳ.М ва бошқалар. Бухоро ёнғин хавфсизлиги: ўтмиш ва бугун. – Бухоро. – Б. 19-20.

¹⁶ Ташкентская пожарная команда // *Туркестанские ведомости* (№105). 1914, 12 ноября. – С.5.

¹⁷ Декреты Советской власти. Том II. 17 марта-10 июля 1918 г. – Москва: Гос. Изд. полит. лит, 1959. – С. 59-74

қаратила бошланди¹⁸. 1919 йилдан саноат ташкилотларида кўнгилли халқ дружиналари тузилди¹⁹. Уларга барча пахта сақлаш омборлари, ёғ, совунгарлик заводларида ишчилардан иборат бўлган ёнғин ўчирувчи дружина мажбуриятлари²⁰, ёнғин ўчирувчиларнинг вазифалари белгилаб берилди²¹. Шундай дружиналар ўлканинг бошқа худудларида ҳам тузилди²².

1919 йил 13 февралда ТАССР ХКСнинг “Заводлар ва пахта саноати омборларида ёнғинга қарши дружинникларни қабул қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, соҳага, асосан, касбий тайёргарлиги бор шахслар, шу билан бир қаторда кўнгиллиллар ҳам жалб этилди. Натижада пахта заводларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимлари шакллантирилди. Шу тариқа Ички ишлар халқ комиссарлиги таркибида янги типдаги ёнғинга қарши курашиш тизими юзага келди²³.

Ўлкада пахта етиштиришнинг йил сайин ортиб бориши, пахта тозалаш заводларида ёнғинлар сонининг ошиши²⁴, ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. 1921 йилда Туркистон АССР ИИХК қошида Ёнғин хавфсизлиги хизматига оид “Маиший хизмат бўлими” ташкил этилди²⁵. Унга асосан Тошкентда илк бор иккита унчалик катта бўлмаган ёнғинга қарши курашиш қисмлари – командалари шаклланди. Улардан бири эски шаҳар (олдинги “Спартак” майдони)да жойлашган бўлиб, унинг таркиби ўн бир киши, 7 та от ва 1 та арава, 3 та ёғоч бочкадан иборат бўлган ўчириш анжомлари билан таъминланди. Қирқ кишидан ташкил топган ёнғинга қарши курашнинг иккинчи командаси ГОГОЛЬ(хоз.номи.бўлса)кўчасида жойлашди. Уларнинг тасарруфида ўн олтита от бор эди²⁶. Бундай командалар Самарқанд, Андижон, Наманган, Жиззах, Кўқон ва ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этилди²⁷.

Тизимни ривожланиб боришда кадрлар масаласи муҳим бўлиб, 1921 йилда Тошкентда ёнғин техникларини тайёрлаш курси ташкил этилди²⁸. 1922 йилда Тошкент шаҳар Советининг қарорига кўра, Тошкентнинг Хадра майдонига яқин собиқ Тош.трам биносида ўт ўчирувчилар депоси ташкил этилди ва 12 нафар ўт ўчирувчидан иборат бўлган хизматчилар фаолияти йўлга қўйилди. Бу илк профессионал ёнғинга қарши курашиш гуруҳларидан бири эди. 1930 йилдан мазкур депо “Спартак” (Эски Жўва деҳқон бозори) стадион ўрнидаги эски бинода 1932 йилгача фаолият олиб борди. 1932 йилда командага илк марта ГАЗ-АА русумли битта ўт ўчириш автомашинаси берилди²⁹ ва аста-секинлик билан тизим замонавий техникалар билан жиҳозлана бошланди. Команда ўша йилларда Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси қармоғида бўлиб,

¹⁸Постда. – № 31. (1936)1969 йил 16 апрель.

¹⁹ЎзР МА, 39-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 5-5-варақнинг орқаси.

²⁰ ЎзР МА, 39-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 5-варақ.

²¹ЎзР МА, 39-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 50-варақ.

²²ЎзР МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 506-иш, 284-варақ.

²³ ЎзР МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 506-иш, 284-варақ.

²⁴ Басмачество: социально-политическая сущность. – Ташкент: Наука, 1984. – С.15.

²⁵ ЎзР МА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 429-иш, 128-варақ.

²⁶ ЎзР МА, 39-фонд, 1-рўйхат, 354-иш, 15-варақ.

²⁷ Касымов Б.Э. Охрана социалистической собственности от пожаров. – Ташкент: Мехнат, 1987. – С.40.

²⁸ Қаримов К. Жасорат солномаси // Тошкент оқшоми. 1968 йил, 17 апрель (90-сон). – Б.3.

²⁹ ЎзР МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 7429-иш, 29-варақ.

1936 йилдан Республика Ички ишлар халқ комиссарлиги тасарруфига ўтказилди³⁰.

Республикада кўплаб саноат корхоналарининг қурилиши, аҳоли турар жойларининг кўпайиб бориши, корхоналар ва ташкилотларда ёнғинлар сонининг ортиши ёнғинга қарши курашни кучайтиришни талаб қиларди. Ўзбекистон ССР Меҳнат Халқ комиссарлиги томонидан 1925 йил 17 июнда “Аҳоли яшаш жойларини, ишлаб чиқариш ташкилотларини кўриқловчи касбий ўт ўчириш қисмларини 3 сменали тизимга ўтказиш ҳақида”ги Фармойиш қабул қилинди³¹. Фармойишда белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида Республика Маҳаллий Хўжалик Бош бошқармаси орқали ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун 1925–1926 йил учун 114.659 рубль, 1926–1927 йил учун 141.472 рубль миқдоридagi молиявий маблағ ажратилди. Бироқ бу маблағлар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун етарли бўлмади³², оқибатда Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Зарафшон вилоятларида ходимлар ва уларнинг техник таъминотида узилишлар юзага келди. Масалан, ёнғин хавфсизлиги бўйича Тошкентнинг янги шаҳар қисмида 1 та ўт ўчирувчилар жамоаси ва 36 нафар ходим, эски шаҳар қисмида эса 1 та ўт ўчирувчилар жамоаси, 18 нафар ходим ишлаган. Фарғона вилояти бўйича фақат Андижон шаҳрида 1 нафар брандмейстер фаолият кўрсатган, Самарқанд вилоятида 1 та ўт ўчирувчилар жамоаси ва 33 нафар ходим ишлаган бўлиб, саноат корхоналари кўплаб қурилаётган республика учун бу озчиликни ташкил этар эди³³. Шундай бўлса-да, тизим ўз фаолиятини давом эттирди, масалан, 1927 йил 19 июнда Бухоро шаҳрининг Бозор-чўп маҳалласидаги Комтрест ташкилотида юз берган ёнғин ўт ўчирувчи ва кўнгилчилар ёрдами билан бартараф этилган³⁴.

Таҳлил этилаётган йилларда ёнғин хавфсизлиги тизимини ривожлантиришда муҳим ҳособланган ҳужжат, 10 бўлимдан иборат Ўзбекистон ССР “Давлат ёнғин назорати органи тўғрисида”ги Низом ЎзССР МИК ва ХКС томонидан 1928 йил 14 майда қабул қилинди³⁵.

1930 йиллардан ёнғин хавфсизлиги тизими аҳоли яшаш манзилларида ҳам ташкил этилди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг корхоналарда, театр, кинотеатрларда ҳамда кишилар кўп йиғиладиган жойларда навбатчилик ташкил қилиш, хавфсизлик ҳолатини текшириш ишлари йўлга қўйилди. Лекин бу ишлар ҳар доим ҳам ижобий самарасини бермади. Масалан, 1930 йил 1 майдан 1931 йил 1 майгача³⁶ Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган “Средазрасмаслотрест” ташкилоти таркибидаги 13 та ёғ-мой заводида 151 марта ёнғин чиқиб, улардан 14.676 рубль миқдоридa талофат кўрилган³⁷. “Средазхлоптрест” таркибидаги 62 та пахта тозаловчи заводда жами 186 марта

³⁰ ЎзР МА, 27-фонд, 1-рўйхат, 661-иш, 50-варақ.

³¹ ЎзР МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 265-иш, 36-37-варақлар.

³² ЎзР МА, Р-837-фонд, 3-рўйхат, 48-иш, 25-26-варақлар.

³³ ЎзР МА, Р-837-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 11-варақ.

³⁴ ЎзР МА, 837-фонд, 3-рўйхат, 48-иш, 49-варақ.

³⁵ Мазкур низом лойиҳаси 1928 йил 14 майда ишлаб чиқилган ва кейинчалик амалга киритилган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад тизимни мустаҳкамлашдан иборат бўлган.

³⁶ ЎзР МА, 89-фонд, 1-рўйхат, 666-иш, 1-2(ор.)-варақлар.

³⁷ ЎзР МА, 89-фонд, 1-рўйхат, 666-иш, 1-варақ.

ёнғин содир бўлган ва улардан 8.132 рубль зарар кўрилган³⁸.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан Республика ёнғин хавфсизлиги тизимида ўзгаришлар рўй берди. Бўлинмалар фронтга жалб қилинди. Натижада мавжуд тузилмалар, асосан, давлат аҳамиятига молик объектларни ёнғиндан сақлаш билан шуғулланди, бўлинмаларга хотин-қизлар ҳам жалб қилинди.

Хуллас, ўлкада ёнғин хавфсизлиги тизимининг шаклланиши ва такомиллашиб бориши, аввало, кундалик ҳаётда юзага келган ижтимоий эҳтиёжларни ҳал этишдан бошланган бўлса, кейинчалик, бутун халқ хўжалиги ва аҳоли яшаш жойларини қамраб олди. 1920 йиллардан бошлаб, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларини касбий малакали мутахассислар билан тўлдиришга, тизимни замонавий техник воситалар ва жиҳозлар билан таъминлашга эътибор қаратилди. Бироқ, бу саъй-ҳаракатлар талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли ўлкада ёнғин хавфсизлиги хизматининг тўлиқ даражада такомиллашиб боришига тўсқинлик қилди.

“Ёнғин хавфсизлиги тизимининг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги иштироки (1946-1991 йиллар)” деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимидаги ўзгаришларнинг хусусиятлари, моддий техник базаси ва кадрлар тизимидаги аҳвол, Ўзбекистон халқ хўжалиги фаолиятида ёнғин хавфсизлиги тизимининг ўрни таҳлил этилган.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг мамлакат иқтисодиётини тиклаш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистонда тизимнинг фаолиятини кучайтириш мақсадида унинг моддий-техник таъминотини етарли даражада таъминлашга эътибор қаратилди³⁹. 1954 йилда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимидан Тошкент шаҳрини муҳофаза қилиш учун Ўзбекистон ССР ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси (ЁСБ) таркибидаги бирикма ажралиб чиқди, ПМГ-1, ПМГ-5, ПМГ-6, 33С русумли ёнғин ўчириш автоуловлари билан таъминланди, қисм ҳарбийлаштирилди. Янги ёнғин ўчириш техникалари кириб келиши билан 786 кишилик шахсий таркиб сони қисқартирилди, командада 74 киши қолдирилди. Янги техникалар билан таъминланган бу таркиб ёнғинларни муваффақият билан ўчира олди. Масалан, 1962 йилга келиб 1961 йилга нисбатан ёнғинлар миқдори 15,6 фоизга, ёнғинлардан келиб чиқадиган моддий зарар эса 40 фоизга камайди. 1963 йилга келиб, бу зарар 17,6 фоизга камайди. Биргина Самарқанд вилоятида ёнғиндан келадиган зарар 7,7 мартага камайди⁴⁰. 1968–1978 йиллари эса Ўзбекистон шаҳарларида бир неча ёнғинга қарши курашиш деполари ва иншоотлари қурилди. Улар ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғинга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этди⁴¹.

Бу даврда ўт ўчириш ишларида қаҳрамонлик кўрсатганлар ҳам бўлди.

³⁸ ЎзР МА, 89-фонд, 1-рўйхат, 666-иш, 1(ор.)-варак.

³⁹ ЎзР МА, 837-фонд, 33-рўйхат, 5564-иш, 21-24-вараклар.

⁴⁰ Парада В. “Огни сороколетия” // Пожарное дело. – №10, 1964, – С.17.

⁴¹ Юрьев Н. Новостройки пожарной охраны // Пожарное дело. – №5, 1980. – С. 18-19.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарорига мувофиқ “Ёнғин вақтида жасорат кўрсатганлик учун” медали таъсис этилди. 1957, 1966, 1967 йилларда бир гуруҳ ўт ўчирувчилар ана шу медаль билан мукофотландилар⁴². 1966 йил 8 мартда Тошкент шаҳар, Октябрь райони, Кўксув кўчаси, 11-болалар уйида ёнғин чиқади. Оловга қарши ҳаракатда 147 нафар боланинг ҳаёти сақлаб қолинади. Болаларни қутқараётганда 8-мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмининг қоровул бошлиғи, катта лейтенант В.Г.Челноков қаҳрамонларча ҳалок бўлади ва ўлиmidан сўнг у СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан “Қизил байроқ” ордени” билан мукофотланади, Ўзбекистон ИИВ буйруғига биноан шахсий таркибнинг абадий рўйхатига киритилади, В.Г.Челноков номи Тошкент шаҳар ижрокўмининг фармонига биноан 11-болалар уйига берилади.

А.В.Володин, техник қисмининг бошлиқ ўринбосари И.И.Ковтунов, бўлим командири Э.М.Ильябаев, жангчи Ф.Шамсиддинов ва бошқалар “Ёнғинда мардлик кўрсатганлиги учун” медали билан тақдирландилар⁴³. 1966 йилги зилзила вақтида ҳам бўлинма жангчиларидан И.П.Калмикова, Л.Г.Наберухина, Р.С.Сабирова ва бошқалар ўз постларида мардона туриб, талофатларни бартараф этишда иштирок этдилар.

Ёнғин хавфсизлиги масаласининг жамият ҳаётидаги ўрни ошиб, ижтимоий аҳамият касб эта бошлаши ёнғин хавфсизлиги бўйича ихтиёрий халқ дружиналарининг ташкил этилишида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу халқ дружиналари 1950 йилларда ҳам ўз фаолиятини давом эттирдилар⁴⁴. 1958 йилда Ўзбекистонда ёнғинга қарши курашувчи 4000 та ихтиёрий дружина мавжуд эди. Уларнинг 2000 таси саноат объектларида, 2000 таси қишлоқ хўжалигида ва колхозларда жойлашган эди⁴⁵. Кўнгиллилар давлат органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ёнғин хавфсизлиги хизмати учун маълум даражада ҳисса кўшди. Улар ёнғин хавфсизлиги хизмати билан биргаликда мамлакат миқёсида корхона ва аҳоли яшаш пунктларида содир бўлган ёнғинларнинг 30 фоизини ўчиришда иштирок этдилар. Натижада йилига 40.000 та ёнғин ўчирилиб, 4000 минг нафар аторофида аҳоли қутқарилди, 300 млн. рубль аторофидаги буюмлар сақлаб қолинди. Умумий олганда, бу жамоат ташкилотлари фойяти давомида 200 млн рубллик фойда келтирди⁴⁶.

1960 йилларга келиб, ёнғинга қарши ҳаракатларнинг кучайиб бориши мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. 1969 йил 21 июнда СССР Ички ишлар вазирлигининг “ЎзССР ИИВнинг ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш қисм ва бўлинмаларининг штат бирликларини эълон қилиш тўғрисида”ги буйруғига кўра, республикада саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ёнғиндан ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисларни етказиш ҳамда ёнғинлар олдини олиш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ССР ИИВнинг 1969 йил 9 июлдаги буйруғи билан Тошкент шаҳрида ёнғиндан сақлаш ўрта ва катта бошлиқлар

⁴² Гусельников И. Ўт ўчирувчиларнинг маҳоратини такомиллаштирайлик // Постда. 1969 йил, 5 сентябрь.

⁴³Тошкент оқшоми 1968 йил, 17 апрель. – №90549. – Б. 3.

⁴⁴ ЎзР МА, 2138-фонд, 1-рўйхат, 206-иш, 238-варақ.

⁴⁵// Постда. 1958 йил, 18 апрель

⁴⁶ Касымов Б. Организационные и правовые основы пожарной безопасности. – Ташкент. 1990. – С. 80.

таркибини тайёрловчи ҳарбийлаштирилган курс ташкил этилди. У Ўзбекистон ССР ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармасига бўйсундирилди. Унга давлат ёнғиндан сақлаш хизматида ишловчи 83 нафар ходим ўқишга қабул қилинди. Ушбу ўқув курсини муваффақиятли битирганларга кичик лейтенант махсус офицерлик унвони берилди. 16 йил мобайнида шу курс битирувчилари Ўрта Осиёдаги ички ишлар органлари Ёнғиндан сақлаш хизмати ўрта бўғин бошлиқларига бўлган эҳтиёжни қондириб келдилар. 1977 йил СССР Министрлар Советининг 15 июндаги 654-сон Қарори ва СССР ИИВнинг 1978 йил 31 январдаги буйруғига кўра Тошкент олий мактаби таркибида Ёнғинга қарши техника ва хавфсизлиги муҳандислари факультети ташкил этилди⁴⁷. Бу факультет олий маълумотли ёнғин хавфсизлиги хизмати кадрларини тайёрлаб берди.

1985 йилда СССР ИИВ Тошкент ёнғин техник билим юрти ташкил этилди. Унда ўқиш муддати икки йил бўлиб, Ўрта Осиё Республикалари учун махсус лейтенант унвонини берувчи офицер-кадрлар тайёрланди. Хусусан, билим юрти 1985–1992 йилларда 704 нафар мутахассис тамомлаб, амалиётга йўлланма олди. Шулардан 428 нафари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнғиндан сақлаш тизимида хизмат қилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўрганилаётган йилларда республика миқёсида тизимнинг фаолиятида қатор камчиликлар ҳам кузатилиб, улар содир бўлган ёнғинлар кўпинча сув ва техника воситалари етарли миқдорда бўлмаганлигидан, ёнғинларнинг 20 фоизи ёнғинни кеч пайқаб қолганликдан ва 12 фоизи ўт ўчиришни ёмон ташкил этилганлигидан, ўт ўчириш қисмларининг уюшқоқлик билан ишламаганликларидан келиб чиқар эди⁴⁸. Бундай узилишлар оқибатида 1980 йилларда жойларда 35 мингдан кўпроқ ёнғин ҳодисалари рўй берган. Уларда 28 миллион сўмга яқин иқтисодий зарар кўрилган. 520 киши ҳаётдан кўз юмган, уларнинг 173 нафари мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар бўлган. 1989 йил январдаги маълумотга кўра, Ўзбекистонда ҳар куни 30 та ёнғин рўй бериб турган. Оқибатда ҳар ҳафтада 200-250 та квартира ва турар жойлар яроқсиз ҳолатга келган⁴⁹.

Умуман олганда, таҳлил этилаётган йилларда ҳукумат томонидан ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ва кадрлар таркибини малакали мутахассислар билан тўлдириш борасида қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, муайян ишлар амалга оширилса-да, соҳа фаолиятида қатор камчиликлар ҳам кузатилади. 1980 йилларнинг охирларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юзага келган танглик ҳолати республика ёнғин хавфсизлиги тизими фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Тизимнинг фаолиятини техник жиҳозлаш амалда деярли тўхтатилди.

“Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлиги тизимининг ривожланиши” деб номланган учинчи боб Ўзбекистонда Ёнғин хавфсизлиги тизимининг янгиланиши, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилиши, ислоҳотларнинг янги

⁴⁷ Халқ хизматида 75 йил. – Тошкент. Ўзбекистон, 1992. – Б.94.

⁴⁸ Гусельников И. Ўт ўчирувчиларнинг маҳоратини такомиллаштирайлик // Постда. 1969 йил, 5 сентябрь.

⁴⁹ Мирзоитов М. Олов тили буралганда // Қишлоқ ҳақиқати. 1989 йил, 7 январь. – Б. 3.

босқичида ёнғин хавфсизлигига бўлган эътибор масалалари тадқиқига бағишланади.

Мустақиллик йилларида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ислоҳ қилиш, бошқарувнинг янгича шаклини вужудга келтириш ҳамда халқ хўжалигини бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Бу жараёнда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди, тизимни ривожлантириш учун янги асосдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, моддий-техника базаси босқичма-босқич модернизация қилинди, юксак малакали ва салоҳиятли кадрларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармони⁵⁰га асосан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги жумҳурият ҳуқуқий тасарруфига ўтказилди ва мустақиллик эълон қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси ИИВга айлантирилди. Бундай ўзгаришлар натижасида ёнғиндан сақлаш бошқармаси ИИВ таркибига киритилди. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг барча таркиб ва тузилмаларини тизимли равишда ташкил этиш мақсадида 1993 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкасининг 227-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги⁵¹ Қарори қабул қилинди. Унга кўра Давлат ёнғин назорати, мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларида ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги фаолиятни ўз тасарруфига олди. Шунингдек, яна бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тизим фаолиятини жаҳон стандартларига мос равишда қайтадан ташкил этиш, моддий-техника таъминотини бозор иқтисодиёти шароитига мос тарзда таъминлаш, бошқарувни қонунчилик ва демократик принципларга суянган ҳолда йўлга қўйиш ишлари амалга оширилди.

Ислохотлар давомида портлаш ва ёнғин чиқариш хавфи юқори саналган масканларда, йирик саноат корхоналари қошида, шунингдек, аҳолиси 50 минг нафардан ортиқ бўлган шаҳар ва шаҳар тоифасидаги ҳудудларда, туман марказлари ҳамда бошқа аҳоли яшаш пунктларида ёнғин соқчилиги ташкил этилди. Андижон вилоятининг Шахрихон, Навоий вилоятининг Зарафшон, Наманган вилоятининг Чуст ва Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳарларида “Қасбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари” “Ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари”га айлантирилди. Кейинчалик бу қисмлар “Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари”, деб атала бошланди⁵². Шунингдек, алоҳида

⁵⁰“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ва Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигини жумҳурият ҳуқуқий тасарруфига ўтказиш ҳақида 1991 йил 25 августдаги Фармони бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида”ги 270-сонли қарори //lex.uz

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Давлат Ёнғин Назорати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 227-сонли қарори //www.lex.uz

⁵²Статистик тўплам: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2001–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011; Рахимов М., Раҳматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерк новейшей истории Узбекистана. 2-е издание (исправленное и дополненное). – Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2015.

мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича Республика ихтисослаштирилган отрядлари ташкил этилди ва у Республика ИИБ ЁХББга бўйсундирилиб, махсус буйруқ билан штат birlikлари тасдиқланди.

Бошқарувнинг янги шакли амалга оширилгач, жойлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларида хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарликни оширишга қаратилган тадбирларга эътибор кучайтирилди. Бухоро вилоят ИИБ ЁСБда ҳам касбий ўт ўчириш қўшилмалари ўрнига касбий ёнғин хавфсизлиги қисмлари ташкил қилинди⁵³, Наманган вилоятида ИИБ ЁСБ бу жараёнда ёнғин хавфсизлиги бошқармаси (ЁХБ)га айлантирилиб, штат birlikи 19 нафарга етди⁵⁴.

Шунингдек, республика халқ хўжалигида, кўплаб саноат корхоналарида катта салоҳиятга эга бўлган ёнғин хавфсизлиги махсус қисмлари ва постлар ташкил этилди⁵⁵.

